
Соғлиқни сақлаш вазирлиги: КОРОНАВИРУСГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДАН ЯНА БИРИ СОҒАЙИБ, РЕАБИЛИТАЦИЯГА КУЗАТИЛДИ

Бугун коронавирус инфекциясига чалинган беморларимиздан яна бири бутунлай соғайиб, реабилитацияга кузатилди. Хасталикдан фориғ бўлган фуқаро шифокорларга алоҳида миннатдорчилик билдирди. Ушбу фуқаро, аввал хабар қилганимиздек, жорий йил 14 март куни Лондон - Тошкент йўналишидаги рейс билан пойтахтимизга келган. 16 март куни унда коронавирус касаллиги аниқланган эди.

Ўтган вақт давомида у Вирусология илмий-текшириш институти клиникасида тўлиқ даволанди. Эътироф этиш жоизки, фидойи шифокорларимиз томонидан кеча-ю кундуз тиббий назоратга олинган ҳолда, халқаро стантдартлар асосида зарур даволаш муолажалари олиб борилгани ушбу беморнинг буткул соғайишини таъминлади.

Эслатиб ўтамиз, айти пайтда нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам тиббиёт ходимлари коронавирус инфекциясига чалинган беморларимиз соғайиб кетишлари учун бор маҳоратларини ишга солган ҳолда қаҳрамонларча курашмоқда. Айти пайтгача ушбу касалликдан соғайганлар сони 8 нафарга етди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

2020-03-31 22:32:11